Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 15 январь ● сешанба ● № 2 (561) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ ШАРАФ

Кеча юртимизда Ватан ҳимоячилари куни тантанали равишда нишонланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ барча соҳаларда кескин ва изчил ислоҳотлар олиб борилди. Жумладан, ҳарбий тизимда ҳам босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилдики, бу мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўз салоҳиятини намоён этмоқда.

... Бугун Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, профессионал асосда ихчам ва тезкор Қуролли Кучлар борпо этилди...

Ислом КАРИМОВ

1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудларидаги барча қуролли кучлар таркиби Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилди. Шу боис, ҳар йили мазкур санани катта байрам сифатида нишонлаб келаяпмиз.

Бугунги кунда армиямиз тактик ва техник жиҳатдан жаҳондаги энг замонавий армиялар сирасига киради. Бундай салоҳиятга осонликча эришилгани йўқ. **«Мудофаа тўғрисида»**, **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги Қонунлар ҳамда ҳарбий Доктринанинг қабул қилиниши миллий армиямиз салоҳиятини оширди, унинг жанговарлик даражасини юксалтирди ва айни пайтда ҳарбий ислоҳотлар стратегиясини белгилаб берди.

Мамлакатимиз мудофааси мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида армиямиз энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан таъминланди. Ҳарбий таълим ислоҳотига жиддий эътибор қаратилиб, қўшинларнинг барча қисм ва бўлинмалари учун зарур ҳарбий кадрлар, малакали офицерлар таёрлашнинг бутун бир тизими йўлга қўйилди.

Ватан ҳимоячиларининг ғоявий-сиёсий, жисмоний, жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий маҳоратини юксалтириш мақсадида сержантлар мактаблари ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида мавжуд ҳарбий округлар ҳамда қисмларни ҳар томонлама чиниққан командирлар таркиби билан таъминлаш имконини берди.

Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқарув органлари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармонига кўра, ҳарбий округлар ташкил топди. Кенг кўламли ушбу ислоҳотлар, мамлакатимизда профессионал армиянинг такомиллашувига олиб келди.

3

● Қонуннинг моҳияти

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

Ҳуқуқий низоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади

(Биринчи мақола)

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда низоларни ҳакамлик судларида кўриш ва ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида низоларни давлат судлари билан бир қаторда нодавлат судлари бўлмиш ҳакамлик судлари томонидан кўрилиши қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, 2007 йил 1 январдан эътиборан амалда қўлланилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларда низолар юзага келишининг олдини олиш, вужудга келган низони ҳал этувчи субъектни танлашдаги ихтиёрийлик, яъни тарафларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланиши фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бундай механизмнинг яратилиши мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар муваффақиятининг гаровидир.

Юзага келган низоларни ҳал этишнинг альтернатив (муқобил) усулларини ривожлантириш мамлакатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш учун зарур бўлган шартлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Фуқаровий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг демократик, муқобил шаклларидан бири сифатида ҳакамлик муҳокамасига алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги юқоридаги омиллар билан белгиланади. Чунки ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида юз берган низоларни ҳал этишнинг тараққий этган усулларидан бири сифатида ҳакамлик судлари имкониятидан фойдаланиш тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликлар яратади. Дарҳақиқат, ҳакамлик судлари низоларни ҳал этишда давлат судларига нисбатан муқобил шакл бўлиб, хўжалик судларидан фарқли равишда ҳакамлик судлари одил судловни амалга оширувчи давлат органи (ваколатли суд) эмас, балки тарафларнинг келишувига асосан ташкил этилган суд тарзида намоён бўлади.

Ҳакамлик судларида низоларни кўриш ва ҳал этишнинг қуйидаги афзаллик жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз:

Биринчидан, тарафларга судьяни мустақил танлаш имконияти берилади. Тарафлар доимий фаолият кўрсатадиган ҳакамлик судларида уни ташкил этган юридик шахс тасдиқлаган рўйхатдаги ҳакамлик судьялари орасидан танлашлари мумкин бўлади. Муваққат ҳакамлик суди судьясини эса ҳакамлик битими тарафлари ўзаро келишув асосида танлайдилар.

Иккинчидан, низолар битта инстанцияда ҳал этилади. Ҳакамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил этмайди ва бир-бирига бўйсунмайди, яъни ҳакамлик судининг юқори турувчи инстанцияси мавжуд эмас.

Учинчидан, иш кўриш қисқа муддатларда амалга оширилади. Ҳакамлик судида низони кўриб чиқиш муддати тарафлар ўртасида тузиладиган ҳакамлик битимида ёки доимий фаолият кўрсатадиган ҳакамлик судларининг регламентида кўрсатилади.

Тўртинчидан, ҳакамлик суди харажатлари низоларни хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриш ва ҳал этиш учун кетадиган суд харажатларидан бир неча бор кам ва ҳакамлик судларига тақдим этилган даъво аризаларидан давлат божи ундирилмайди.

Бешинчидан, ҳакамлик суди муҳокамаси махфий ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ҳакамлик судьяси Ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

2

● Бағрикенглик

АМНИСТИЯ

— инсон ҳуқуқлари кафолати

2007 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Амнистия тўғрисидаги ушбу қарор 10 банддан иборат бўлиб, у амнистия кимларга нисбатан қўлланилиши, жиноий жавобгарлик ва жазодан тўла ёки қисман озод қилиш тартибини, амнистия кимларга нисбатан татбиқ этилмаслиги ва ушбу Қарорнинг ижро этиш тартиби ҳамда муддатларини ўз ичига олди.

Ушбу Қарорнинг 1-бандига кўра, қуйидаги шахслар жазодан тўла озод қилинадилар: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқаролари.

Ушбу Қарорда жазони ўташга жиддий тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахсларни жазодан озод қилиш масаласининг киритилганлиги ҳам инсонпарварлик тамойилининг амалий исботидир. Амнистия қарорининг 3-бандига кўра, охирги бир йил ичида оғир касалликка чалинган шахслар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари жазодан тўлиқ озод этиладилар. Фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси, 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга нисбатан амнистия татбиқ этилмайди, деб таъкидланган.

«Амнистия тўғрисида»ги Қарорнинг 4-бандига биноан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиниб, мазкур Қарор эълон қилингунга қадар ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар жазодан озод қилинадилар. Фақатгина, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини (Жиноят кодекси 97-модда, 2-қисми) содир этган шахсларга нисбатан амнистия татбиқ қилинмайди.

Амнистия Қарорининг 5-бандига кўра, тақиқланган ташкилотларда иштирок этган ва улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтганлар жазодан тўлиқ озод этиладилар.

Қарорнинг 6-бандида аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет эл фуқаролари биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятларни содир этган бўлса; эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинган барча жиноятлар, биринчи марта қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларнинг жиноятлари юзасидан олиб борилаётган барча терговдаги ишлар ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши белгиланган.

2

● Жамият ва ислоҳот

СОЛИҚ ЮКИ ЕНГИЛЛАШМОҚДА

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб янги таҳрирдаги "Солиқ кодекси" амалга киритилди. Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрь кунги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-744-сонли Қарорига асосан солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ имтиёзларини оптималлаштириш ва унификация қилиш кўзланган. Шунинг учун 2008 йилда солиқ ставкаларига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Маҳамматжон Абдураҳимович Маҳамматов билан суҳбатимиз ана шулар ҳақда.

Қувонарлиси, 2008 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатида айнан солиқ ставкаларини янада камайтириш кўзда тутилган. Бу эса миллиардлаб сўмлар корхоналар ҳисобида қолади, демакдир. Жумладан, ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши натижасида вилоятдаги корхоналар ихтиёрида 1,202,4 миллион сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

— Маҳамматжон Абдураҳимович, маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб янги таҳрирдаги "Солиқ кодекси" амалда. Суҳбатимиз аввалида шу хусусда тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, 1997 йилда қабул қилинган "Солиқ кодекси" 135 моддадан иборат бўлган бўлса, янги таҳрирдаги "Солиқ кодекси" Президентимиз ва Ҳукуматимиз қарорлари ҳамда меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган ҳолда 392 моддадан ташкил топган. Албатта, янги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Масалан, Кодекснинг 13-моддаси **«Солиқ тўловчилар. Солиқ агентлари. Солиқ тўловчиларнинг вакиллари»** деб номланган. Унга кўра: **«Солиқ тўловчилар ушбу кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.**

Солиқ агентлари ушбу кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

2

● Адолат мезони

ИНСОН ҲУҚУҚИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, улуғлашни янада юқори босқичга кўтариш масаласини Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисида қилган маърузасида атрофлича таҳлил қилиб берди.

Маърузада суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш вазифалари белгилаб берилди, шу билан бирга бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка доир қонунларимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга ва миллий қадриятларимизга мос равишда ривожлантириб келинмоқда. Биргина жиноят қонунчилигини олиб қарайдиган бўлсак, жуда кўплаб жиноят деб эътироф этилган нормалар кодексдан чиқарилиб, улар маъмурий ҳуқуқбузарлик қаторига киритилди, кўплаб моддалардаги жазо санкциялари эркинлаштирилди.

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги ва **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонлари кучга кирди. Бу эса ўз навбатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган халқаро меъёрларга ҳам тўла мос келади. Негаки, инсон ҳуқуқлари демократик-ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос муҳим белгиларидан бири бўлиб келган. Зотан, Конституциямизнинг 24-моддасида ҳам шундай дейилган: **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»**.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонунига биноан мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Мазкур қонун жаҳон амалиётидаги энг либерал ва энг мукаммал қонунлардан бири бўлиб, уни қабул қилишдан аввал хорижий давлатлар қонунчилиги пухта ўрганиб чиқилган.

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам мустақиллигимиз шарофатидандир. Биласизки, 2005 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони бу ишлар учун дастурламал бўлди. Зеро, унда айтилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг энг муҳим вазифаси — инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд жараёнида тортишиш принципи, унда ҳимоячининг иштирок этишига шароит яратилиши ҳамда суднинг ажрими устидан апелляция тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг замирида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ётади.

Анвар УСМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани судининг раиси

● Қонуннинг моҳияти

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

Ҳуқуқий низоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олтинчидан, ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми ва регламентида суд муҳокамаси тарафлар ва суд учун қулай бўлган жойда ўтказилиши белгилаб қўйилади.

Еттинчидан, ҳакамлик судларининг республикамизда фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш баробарида, мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш ва республикамизга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

Ҳакамлик муҳокамаси ўзига хос жиҳатлари билан давлат судларидан ажралиб туради. Ҳакамлик судларида низоларни ҳал этиш мақсадида белгиланган тартиб-қоидаларни зарурият юзасидан ўзгартириш ҳамда судда тарафларнинг ҳакамлик муҳокамаси тартибларини аниқлаш имкониятининг мавжудлиги унинг умумий юрисдикция судларидан фарқловчи муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасининг бошқа қоидалари қўлланилиши тўғрисида шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамасини ҳакамлик судини ташкил этган ташкилот тасдиқлаган қоидалар асосида, муваққат ҳакамлик суди эса ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида унинг қоидаларига мувофиқ, муваққат ҳакамлик судида эса ҳакамлик тарафларининг келишуви билан белгиланиши, шунингдек, ҳакамлик муҳокамаси давлат тилида, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашган бўлсалар, бошқа тилда ҳам олиб борилиши мумкинлиги ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шунингдек, ҳакамлик муҳокамасида асосан мулкий тусга эга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низоли ишлар ҳал этилиши муносабати билан суд ишларини юритиш даъво тартибида амалга оширилади.

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,
Амалдаги қонун ҳужжатлар мониторинги институти

● Бағрикенглик

АМНИСТИЯ

— инсон ҳуқуқлари кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу Қарорнинг 7-бандида амнистия акти билан жазодан озод этилмайдиган шахсларга жазо муддатининг ўталмай қолган қисми қисқартирилиши таъкидланган. Унга кўра:

— ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларнинг умумий жазо муддатлари учдан бир қисмига,

— ўн йилдан ортиқ муддатга ҳукм қилинганларнинг умумий жазо муддатининг тўртдан бир қисмига қисқартирилиши таъкидланган. Бундай ҳолатда шахсга тайинланган жазо муддатининг учдан бир ёки тўртдан бир қисмидан озод этилишини тушунишимиз керак.

Ушбу Амнистия Қарорида амнистия акти кимларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳам белгиланган.

Ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисмидаги гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш жиноятини содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноят содир қилганлиги учун судланганларга татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Ушбу **«Амнистия тўғрисида»**ги Қарор 1 декабрдан бошлаб қонуний кучга кирди ва уч ойлик муддат ичида ижро этилиши лозим. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Мустақиллик даврида амнистия тўғрисидаги Фармон ва қарорлар билан жазодан озод этилганлар ўзларининг ҳалол йўлларини топганликлари, оилалари бағрига қайтганликлари натижасида кўплаб оилаларнинг бузилиб кетиши олди олинишига бевосита сабаб бўлганлиги, давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига асосланганлигидан далолатдир.

Ҳасан ОЧИЛОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

● Таклиф

КАСБ-ҲУНАР ТАНЛАШДА АХБОРОТ ТАҚЧИЛЛИГИ

Мактаб битирувчилари касб-ҳунар танлашда педагоглар, психологлар ва ота-оналар ёрдамига муҳтождир. Бу борада ота-оналар ва педагоглар касб-ҳунарлар ҳақида етарлича ахборот билан таъминланган бўлишлари керак ва ўз ўрнида ёшларга улар ҳақида тўғри маълумотлар бера олиши лозим. Ўтган йилги қабул жараёнида битирувчилар ўқув юртлари ва ундаги мавжуд йўналишлар ҳақида тўла маълумотга эга эмаслигини кўрсатди ва бу айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Жумладан , ўқув юртига тушган айрим аризаларда йўналишлар тўғри кўрсатилмаган.

"Касб-ҳунарга йўналтириш хонаси" фаолияти доимо кўпчиликнинг диққат марказида бўлиши лозим. Бу ерда касб ва ҳунарлар ҳақида барча маълумотлар жамланса, ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлаши осон кечади. "Касб ва ҳунарлар хонаси"да INTERNETга уланган компьютерларда махсус ташкил этилган сайтлардан фойдаланишни йўлга қўйиш фойдадан холи эмас. Республика ташқис маркази ва билим юртларида ушбу сайтлар янги-янги маълумотлар билан бойитиб борилиши лозим. Келажакда бу жараёнга корхоналар сайтларини жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу сайтлар касб-ҳунарлар ҳақида маълумотлар беришдан ташқари, иш берувчи ва кадрлар тайёрловчилар ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Чунки, ташкилотлар ўзларидаги вакант (бўш) ўринлар ҳақида, ўқув юртларига қабул даврида Консультатив марказларнинг маълумотларини шу сайт орқали эълон қилиб боришлари мумкин.

Мактабларда "Касб ва ҳунарлар кунлари", соҳа мутахассислари ва тегишли ўқув юрти ходимлари билан битирувчилар ўртасида суҳбатлар, битирувчиларни қизиқтирган билим юртларига экскурсиялар, "Очиқ эшиклар куни" каби тадбирлар яхши самара бериб келмоқда.

Айрим ота-оналар фарзандининг барча муаммоларини ҳал қилиб, ҳатто касб ва ҳунарни ҳам танлаб берадилар. Ота-она танлаган касб-ҳунарга эса ўқувчи қизиқмаслиги, натижада бу боланинг ўқиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун мактаб психологи ўқувчидан ташқари, унинг ота-онаси билан ҳам суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Касб-ҳунарни нотўғри танлаш инсон психикасига бутун умр салбий таъсир кўрсатиши, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслиги мумкинлигини педагоглар, психологлар ва ота-оналар яхши тушунишлари керак.

Маъмуржон АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент юридик коллежи математика ўқитувчиси

● Жамият ва ислоҳот

СОЛИҚ ЮКИ ЕНГИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

Ушбу Кодексда **«солиқ тўловчи»** тушунчасининг қўлланилиши унинг **«солиқ агенти», «солиқ тўловчининг вакили» маъносида ҳам ишлатилишини ҳам назарда тутади»**, — деб белгилаб қўйилган. Бу фақатгина янги кодексда ўз ифодасини топган.

Мазкур кодекснинг яна бир муҳим жиҳати, солиқ тўловчиларга катта имкониятлар яратибгина қолмай тадбиркорларнинг манфаатини кўзлайди. Чунончи, кодекснинг 3-моддаси, 3-қисмида **«Солиқ тўғрисидаги» Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга»**, — дея белгилаб қўйилган. 5-моддада эса солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланиши кўрсатиб ўтилган.

Янги кодекснинг яна бир афзаллиги шундаки, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Аввалги кодексда фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш улар шу фаолият туридан олган даромаддан жарима солишга сабаб бўлган бўлса, эндиликда бу, яъни лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

— Шу ўринда солиқ ставкаларида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Сўнгги пайтларда мамлакатимизда солиқ юки босқичма-босқич енгиллаштириб борилмоқда. Мисол учун, даромад (фойда) солиғи 2004 йилда 18 фоиз, 2005 йилда 15 фоиз, 2006 йилда 12 фоиз, 2007 йилдан 10 фоиз қилиб белгиланди. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, айни вақтда хўжалик юритувчи субъектлар даромадларидан тўрт йил аввалгига нисбатан 8 фоиз кам солиқ тўлашмоқда. Бундай ўзгаришларни бошқа солиқ турларида ҳам кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, солиққа тортиш механизми йилдан-йилга соддалашиб борянти. Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»**ги ПҚ-744-сонли Қарори мазкур соҳада амалга оширилаётган ижобий ишларнинг мантиқий давомидир.

Айтиш жоизки, бу тадбирлар ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари кўпайиши ва уларни товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмининг ошиши натижасида солиқ солиш базаси кенгайтирилишига, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарздорликнинг қисқартирилишига, натижада эса солиқ ва тўловларнинг йиғувчанлик даражаси оширилишига имкон яратмоқда.

Энг асосийси, солиқ юкининг ана шундай камайиши туфайли солиқ тўловчиларнинг ихтиёрида қўшимча пул маблағлари қолдирилиши уларнинг иш фаолиятини ривожлантиришга ижобий муҳит яратмоқда. Янги иш ўринлари яратилмоқда. Албатта, бу тадбирларнинг таг замирида аҳолининг реал даромадини ошириш мақсади ётибди.

Хусусан, 2006-2007 йиллар мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, экология солиғи ва савдо қилиш учун йиғим бекор қилиниши натижасида фақатгина 2007 йилнинг ўзида вилоятдаги корхона ва хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қўшимча 3,5 миллиард сўм маблағ қолдирилди.

Хўш, солиқ ставкаларидаги енгилликлар туфайли хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қоладиган маблағ қандай мақсадларга сарфланади, деган ҳақли савол туғилади. Аҳоли даромадининг ортиши айнан ана шу савол билан боғлиқ. Чунки, бу маблағлар биринчи навбатда корхона базасини кенгайтиришга, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, янги ишчи ўринлари яратиш ва замонавий дастгоҳлар сотиб олишга йўналтирилади. Шунингдек, хусусий корхоналар барча солиқларни тўлагандан қоладиган даромадларини ихтиёрий йўналтириш имконини беради.

Қувонарлиси, 2008 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатида айнан солиқ ставкаларини янада камайтириш кўзда тутилган. Бу эса миллиардлаб сўмлар корхоналар ҳисобида қолади, демакдир. Жумладан, ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши натижасида вилоятдаги корхоналар ихтиёрида 1,202,4 миллион сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

— Демак, солиқ ставкаларида ўзгаришлар бор. Бу ўз навбатида бюджет тушумларининг камайишига олиб келмайдими?

— Йўқ, бюджет тушумлари асло камаймайди. Биз давлат хазинасини қўшимча манбалар излаб топиш, солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳисобига бойитиб борамиз. Бундан ташқари, боқиманда қарзларни кескин камайтиришга ҳаракат қиламиз. 2008 йилги иш режаларимиздан ана шу тадбирлар кенг ўрин олган.

— Солиқ турлари кўп, қайсидир тадбиркорлик субъекти бир солиқ туридан қарздор бўлса, иккинчи бир туридан ортиқча тўловга эга. Ўша ортиқча тўловни қарзи бор турига ёпса бўладими?

— Албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги Қонуннинг 10-боб, 57-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчиларга бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилган.

Солиқ тўловчининг шу расмий мурожаати ортиқча тўловни бир солиқ туридан бошқасига ўтказишга асос бўлади. Мурожаат асосида, солиқ органи, молия бўлинмаси ва банк муассасаси белгиланган тартибда масалани ижобий ҳал этади.

Суҳбатдош:
Баҳодир ҲАМИДОВ

Дунё нигоҳи

БМТ ИШТИРОКИ рад этилди

Маълумки, Покистон мухолифати, аниқроғи, мамлакатнинг собиқ бош вазири, марҳум Беназир Бхутто тарафдорлари унинг ўлими юзасидан олиб борилаётган тергов-суриштирув ишларига БМТни ҳам жалб этишни талаб қилишаётганди. Бунга жавобан БМТ ҳар қандай ёрдамга тайёрлигини билдирган эди.

Аммо республика президенти Парвез Мушарраф тергов-суриштирув ишларида БМТнинг иштирок этишини рад қилди. Бу ишга жалб қилинган Буюк Британия экспертлари етарли эканлигини таъкидлади, дея хабар беради «Reuters» АА.

Эслатиб ўтамиз: 2007 йил 27 декабрда собиқ бош вазир Б.Бхутто Равалпинди шаҳрида террорчилар томонидан ўлдирилган.

Дарвоқе, Бхутто ўлимидан сўнг мамлакатда юзага келган нобарқарорлик туфайли Покистон сайлов комиссияси 2008 йил 2 январга белгиланган парламент сайловларини 18 февралга кўчирди.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАРГА ҚАРШИ норозилик

Доғистон пойтахти Махачқалъада мингдан ортиқ шаҳар аҳолиси электр энергияси таъминотидаги узилишларга қарши норозилик билдириб, шаҳарнинг марказий кўчаларини баррикадалар билан тўсиб қўйдилар.

Натижада автотранспортлар қатнови тўхтаб қолди.

«РБК» мухбири ахборот беришича, норозилик митинги иштирокчилари электр энергияси, сув ва иссиқлик таъминоти тезкорлик билан йўлга қўйилишини талаб қилмоқдалар.

«ИНАУГУРАЦИЯ» МАРОСИМИ ўтказилади

Грузия президенти вазифасини бажарувчи Нино Буржанадзе журналистларга шуни маълум қилдики, 20 ёки 21 январь куни 5 январдаги президент сайловида ғалабани қўлга киритган Михаил Саакашвилининг президентлик курсисига ўтириш маросими ўтказилади. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар тарқатди.

***

Ушбу хабар ҳам Грузия ҳаёти билан боғлиқ.

«Новости-Грузия» АА маълум қилишича, 5 январь куни президент сайловида иштирок этган сайловчилар ўртасида мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиши ёки бўлмаслиги, парламент сайловларини баҳорда ўтказиш ёки ўтказмаслик юзасидан сўров ўтказилганди.

Унинг ҳисоб-китоблари яқинда эълон қилинди. Сўров иштирокчиларининг 72,2 фоизи республиканинг НАТОга аъзо бўлиб киришини ёқлаб овоз берган. 69,8 фоиз иштирокчи эса парламент сайловлари шу йил баҳорда ўтказилиши учун овоз берган.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ бўлиб ўтди

Тайбэйда қонунчилик органи — парламент учун сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакатдаги ҳукмрон Демократик прогрессив партияси ва Миллий партия парламентдаги 113 ўрин учун кураш олиб бордилар.

«Associated Press» АА хабар қилишича, 17 миллион киши сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайлов натижалари яқин кунларда эълон қилинади.



Шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина экспертларнинг айтишларича, ушбу сайлов шу йил баҳорда 8 йиллик бошқарув ваколати тугайдиган мамлакат президенти Чэн Шуйбян сиёсатига ишонч масаласи нечоғли эканлигини белгилайди. Президент сайлови 22 мартда бўлиб ўтади.

БЕШ КИЛОМЕТР ЮҚОРИГА кўтарилди

Россиянинг Учишни бошқариш маркази мутахассислари неча йиллардан бери сайёрамиз орбитасида фаолият олиб бораётган Халқаро космик станцияни 5 километр юқорига кўтариб, келгусида амалга ошириладиган муҳим жараён учун ҳозирлаб қўйдилар. Ушбу саъй-ҳаракат ердан туриб бошқарилди.



Учишни бошқариш марказидан олинган манбаларга асосланиб, НТВ хабар тарқатишича, 7 февралда Американинг «Atlantus» шатлли фазога парвоз этади ва Халқаро космик станция билан туташтирилади.

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Ислом КАРИМОВ

МАҚСАД САРИ интилган посбон

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда бошланди.

Маълумки, 2007-2008 ўқув йили **«Ҳарбий ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан самарали фойдаланиш борасидаги кўникмалар ва касбий билимларни такомиллаштириб бориш, ҳарбий техник мулкни асраш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи»** шиори остида ўтмоқда. Ушбу шиор ҳар бир посбон қалбида мардлик, шижоат, жасорат ва она юртга муҳаббат каби туйғуларнинг янада жўш уришида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз, албатта.

– Йиғин давомида аскарларга ҳарбий билимларни турли кўргазмали қуроллар ва адабиётлар асосида етказган бўлсак, – дейди офицер Зафар Абдуллаев, – энди улар ҳар бир машғулотни амалда, яъни дала шароитида ўтказмоқдалар. Асосий эътиборни ҳам яқинда сафларга қўшилган аскарларни ҳарбий ҳаётга кўниктириш, соҳа билимларини пухта ва чуқур ўзлаштиришларига ёрдам бериш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантиришга қаратаяпмиз.

Посбонларга машғулотларни кўп йиллик тажриба ва малакага эга офицерлар – Дурбек Сотволдиев, Муҳаммадсоҳиб Тўхтасинов, Нодир Ҳафизов, Баҳодир Файзуллаев ҳамда кичик командирлардан – Завқиддин Ҳамроқулов, Асқар Ўсаров каби етук профессионаллар олиб боришмоқда.

Армия ёшларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бунга уларнинг ўзлари билан суҳбатлашганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Оддий аскар Лазиз Салимов: – Посбон бўлиб, эл-юрт корига камарбаста бўлаётганимдан, Ватанимиз тинчлигига ҳисса қўшаётганимдан ғоят мамнунман. Ҳарбий ҳаётга анча кўникиб қолдим. Ўзимга билдирилган ишончни оқлашга, Ватанимга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламан.

Оддий аскар Эргаш Назаров: – Хизматимни муваффақиятли якунлаб, ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Бу ерда олаётган ва ўрганаётган билимларим, насиб этса, курсантлик даврида жуда асқотиши турган гап. Шунинг учун ҳар бир дарсга, машғулотга диққат билан эътибор қилиб, ҳарбий соҳа билимларини мукаммал ўзлаштиришга бел боғлаганман.

Дарҳақиқат, улардаги ғайрат ва шижоат, интилувчанлик туйғуларининг юксаклиги исботини топиб турибди. Посбонлар хизматларини намунали ўтаб, келажакдаги эзгу мақсадларига етишишларига ишончимиз комил.

Аҳрор ОЧИЛОВ

ЎҒЛИМ – ФАХРИМ

Ўғлим армияга кетган илк кунлари анча бошқача бўлиб юрдим. Кўп вақт ўтмай унинг Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганини эшитиб, хизмат жойига қараб йўл олдим. Офицер Шавкат Мирзаалиев бизни биринчи навбатда қисм ҳудуди билан таништирди.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, ростини айтсам, оғзим очилиб қолди. Кўркам ва шинам ётоқхоналар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ювиниш хоналари, ҳаттоки, кир ювиш хонасида замонавий кир ювиш машиналари ишлаб турибди. Юмшоқ мебеллар, дам олиш хонасидаги қулайликлар мени ва бошқа оналарнинг ҳам кўнгилларини шод этди. Аскарлар ошхонасида тайёрланаётган овқатлар уйимизда пиширилаётган таомлардан қолишмайди. Кўкатлар, салқин ичимликлар аскар дастурхонини безаб турибди.

Хаёлга чўмаман. Буларнинг барча-барчаси мустақиллик, ҳурлик туфайли эмасми? Мана, биргина армияда олиб борилган ислоҳотлар мевасини ўз кўзим билан кўрдим. Кўнглим тоғдай кўтарилди, дилим қувонди, қалбимда фахр туйғуси жўш урди. Ўғлим спортнинг таэквондо тури билан шуғулланар эди. Ҳарбий қисмда бўлганимизда, гуруҳ командирининг – Ийи, опа сиз оддий аскар Самад Ҳасановнинг онасимисиз, — деб ҳурмат билан қарагани ёдимда. – Ўғлингиз жуда зўр йигит, билими ҳам юқори, айниқса, спорт машғулотларида менинг энг яқин ёрдамчим. Шундай йигитни ўстирганингиз учун сизга мингданминг раҳмат.

Хайрлашув олдидан ўғлим келажакда ҳарбийликдек шарафли касб эгаси бўлишга қарор қилганини, хизматдан сўнг, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширишни ўз олдига энг олий мақсад қилиб қўйганини айтди. Ўз мустақил фикрига эга бўлиб улгурган ўғлимга фақатгина омад тилаб қолдим. Ўғлимни офицерлик либосида тасаввур қилиб кўрдим. Бу менга янада ғурур, ифтихор бағишлади.

Баҳринисо ҲАСАНОВА,
аскар онаси.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, армияда хизмат қилиш шарафли бурчга айланган. Мен ҳам йигитлик бурчимни чегара қўшинларида муваффақиятли ўтадим. Армия мени қайта тарбиялаб, чиниқтирди. Ҳаётда ўз ўрнимни топишга катта ёрдам берди.

АРМИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Юрт ҳимоясига жон-дилидан камарбаста бўлган дўстларимнинг кўпчилиги армиядан тавсияномалар билан қайтишди. Натижада ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндилар.

Мен ҳам ҳарбий қисмдан олган тавсиянома орқали республика Ички ишлар академияси тингловчиси бўлишдек бахтга эришдим.

Президентимизнинг 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилиши мени жуда тўлқинлантириб юборди. Чунки, бу биздек ёшлар ҳаётида кўплаб имкониятлар эшигини очади. Ишонаманки, ёшларимиз ҳаёт мактаби бўлган армияда олган сабоқларини бор кучини, билимини, юртнинг буюк келажаги йўлида сафарбар этадилар.

Шаҳзодбек БАХТИЁРОВ,
Ички ишлар академияси тингловчиси

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда мажбурий хизмат муддати бир йил этиб белгиланди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимизнинг олий ўқув юртларига киришида, иш билан таъминланишида маълум имтиёзлар белгилаб қўйилди. Ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг махсус тавсияномасини олган собиқ аскар-абитуриентга олий ўқув юртига кириш учун топширган тест синовларидан тўплаган балига маълум миқдорда қўшимча балл берилади.

Мустақиллик даврида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш чинакамига шарафли ишга айланди. Муддатли ҳарбий хизматга боришни истамайдиган йигитни топиш мушкул. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг ҳам тобора нуфузи ортмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий хизмат шароитлари тубдан яхшиланган. Аскарлар ётоқхоналаридаги қулайликларни кўриб кўзингиз қувонади. Озиқ-овқат таъминоти борасида армиямиз ҳеч бир хориж армиясидан қолишмайди. Чунки бақувват, илиги тўқ жангчи эл-юртга сидқидилдан хизмат қилади. Жанговар тайёргарлик жараёнига илғор техник воситалар, янгича усуллар жорий этиляпти. Ҳарбий таълим муассасаларида билимли, малакали миллий кадрларимиз етишиб чиқмоқда. Улар юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

Дарҳақиқат, Миллий армиямиз ташкил топганига 16 йил бўлди. Бу қутлуғ сана Ватанимиз ва халқимиз учун қувончли. Чунки, асрий орзуимиз — мустақиллигимиз тақдири, турмушимиз фаровонлиги, кўнгилларимиз хотиржамлиги, бугун ва эртамиз истиқболи Ватан ҳимоячиларининг ҳушёр, сергаклиги ва жасоратига боғлиқ.



Бой мамлакатнинг навкари бақувват бўлур, навкари бақувват мамлакат бой бўлур.
Амир ТЕМУР



Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.
Алишер НАВОИЙ

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.
Жорж БАЙРОН

Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишидан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу — ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.
Лев ТОЛСТОЙ



ТАКОМИЛЛАШУВ ЙЎЛИДА

Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларни ислоҳ этиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, армияни такомиллаштириш, қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш баробарида посбонларнинг жанговар маҳорати ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбияни тубдан яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасига киради.

Бугун олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таълимнинг такомиллаштирилган усули амалга татбиқ этилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилмоқда. Билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари кутубхоналари янгиянги адабиётлар билан бойитилмоқда.

Яқинда соҳани ривожлантиришга қаратилган эзгу тадбирларнинг узвий давоми сифатида яна бир муҳим ишга қўл урилди. Яъни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳузурида Мудофаа вазирлиги услубий маркази – ўқитувчилар малакасини ошириш курси ташкил этилди. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи асосида ташкил этилган ушбу курсда олий ҳарбий билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактаблари ўқитувчи офицерлар таркиби малака оширадилар.

– Олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари ўқитувчи офицерлари мазкур курсда бўлажак соҳа мутахассисларига дарс бериш услубларини, шунингдек, ҳарбий педагогика, ҳарбий психология, замонавий инновацион технология воситалари каби йўналишлардан сабоқ оладилар, – дейди офицер Рустам Қосимов. – Машғулотларга ҳарбий ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат етук мутахассислар жалб этилган. Шунингдек, бошқа олий ўқув юртлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Мақсад, касбий маҳоратнинг профессионал асосда ўсишини таъминлаш, ўқитувчи офицерларнинг билимларини ҳар томонлама оширишдир.

Марказнинг ўзига хос томонларидан яна бири, унда бевосита машғулот ўтиш услубидан ташқари жанговар-тактик, қурол-яроғ ҳамда техникавий илмларни ўрганиш ва ўргатиш борасида ҳам малака оширилади.

– Вақт ўтган сайин барча соҳада янгиланиш ва ўзгаришлар кузатиб борилади, – дейди курс тингловчиси офицер Шуҳрат Усмонов. – Шу боис киши тинмай ўз устида ишлаб, мудом билим ва малакасини ошириб бориши керак. Бу ҳолат ўқитувчилик касбида, айниқса, муҳим жиҳат саналади. Ана шу талабларни эътиборга оладиган бўлсак, услубий марказ, яъни малака ошириш курсининг ташкил этилгани ғоят ўринлидир.

Ёшин ҲАКИМОВ,
катта лейтенант

ИНТИЛИШ ИРОДАНИ ТОБЛАЙДИ

Мен Гулмира билан «Энг илғор фельдшер» танловида танишган эдим. Забардаст йигитлар сафида касбий ва ҳарбий маҳоратини юзага чиқаришга астойдил ҳаракат қилаётган бу қиз менда катта таассурот қолдирди.

Гулмира Гулистон шаҳар тиббиёт билим юртини битиргач, Сирдарё туманидаги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлимида иш бошлади. Йиллар давомида у юзлаб инсонларнинг ҳаётини асрашга муносиб ҳисса қўшди. Табиийки, жарроҳлик жараёнларида унинг хотирасида муҳрланиб қолган воқеалар ҳам бўлган. Гулмира ўша онларни ҳаяжон ила эслайди.

Навбатдаги шошилинч жарроҳлик пайтида шифокор ўзини нохуш сеза бошлади. Айни ўша дамда унинг ўрнини эгаллайдиган жарроҳни топиш қийин эди. Шунда шифокорнинг ўнг қўли сифатида унга ёрдамчи бўлиб турган Гулмира операцияни ўзи якунлашга қарор қилди. Чунки у ҳар куни неча бор иштирок этаётган турли кўринишдаги жарроҳлик жараёнларида ўзига хос малакага эга бўлиб улгурган эди. Кўричак ташхиси билан операция столига ётқизилган ўсмир йигит ҳаёти шу тариқа сақлаб қолинди.

2003 йилдан тажрибали ҳамшира Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида қисм тиббиёт пунктида иш бошлади. Ҳозирда тиббий хизмат оддий аскари Гулмира Алемсеитова қисм тиббиёт пунктининг кичик тиббиёт ходимларидан.

– Оилада тўрт қиз вояга етганмиз. – дейди у танлаган касби ҳақида тўхталар экан. – Опам Лемара етук жарроҳ. Балки шу сабаб менда ҳам тиббиёт ходими бўлиш истаги уйғонгандир. Касбимни жуда севаман. Қаерда хизмат қилмай бағрикенг, билимдон, фидойи инсонлар билан бирга бўлиш насиб этди. Улар менга яқиндан ёрдам беришди, устозлик қилишди. Бу борада тажрибали жарроҳ Ғофир Қуддусов, тиббий хизмат офицерлари Жузбой Ўрдабоев, Бекмирза Ўраловлардан жуда миннатдорман.

Албатта, инсоннинг орзу-мақсадлари беҳисоб. Бир довонни ишғол этдингми, кейинги чўққига кўз тикасан. Менинг келажакдаги орзуларимдан бири ҳарбий госпиталнинг жарроҳлик бўлимида ҳамширалик қилиш. Келажакда бу эзгу ниятимга ҳам эришсам, ажабмас. Айни дамда эса дугоналарим — шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Муҳайё Шакарова ва Муҳаббат Азаметовалар билан биргаликда ўз соҳам бўйича хизмат қилмоқдаман.

Ҳа, Гулмиранинг хизматдаги саъй-ҳаракати, интилувчанлиги унга ҳурмат ва омад келтирди. У ҳарбий жамоада ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш билан бирга округ миқёсида ўтказилган «Энг яхши фельдшер» танловида етакчиликни қўлга киритди. Унга сўнгги босқич ғолиблиги насиб этмаган бўлса-да, бироқ бу танлов унинг ўзига нисбатан ишончини, малакасини оширишга бўлган иштиёқини янада юксалтирди. Гулмирадек гўзал, оқила ва камтар қизнинг ҳар бир қатъиятли қарори ижобий ечим топишига шубҳа йўқ. Биз бунга ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА

2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қонунда сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) хизмат турини жорий этиш ҳақида ҳам моддалар белгиланди. Ҳаётга татбиқ этилганига қисқа вақт бўлган бўлса-да, бу янги хизмат тури ўз имкониятлари, афзалликлари билан юртдошларимизга манзур бўлиб улгурди.

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Сафларида юзлаб ёшларимиз йигитлик бурчини ўтаган ва ўтаётган сафарбарлик чақируви резерви хизмати амалда ўзини ҳар томонлама оқлаяпти. Хизматнинг бу тури кўпчилик ёшларимизга катта имкониятлар бергани бор гап.

Хўш, шундай экан, СЧР хизматига кимлар қабул қилинади, деган ўринли савол туғилади. Юқорида таъкидланган Қонунда бу аниқ кўрсатиб ўтилган. Унга кўра: «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинади».

Шу ўринда СЧР хизматини ўтаётган ўғлонлар учун яратилган шароитлар ва имкониятлар ҳақида офицер Ўктам Исаев хизмат қилаётган сафарбарлик чақируви резерви батальони йиғин иштирокчилари мисолида тўхталиб ўтсак.

Бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишини қувонтириши турган гап. Кенг ва ёруғ ётоқхона, дам олиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, машғулотлар ўтказиш хонаси, кутубхона, спорт шаҳарчаси ва тренажёр зали барча замонавий жиҳозлар, зарур воситалар билан таъминланган.

Йиғин иштирокчиларининг ҳарбий соҳадан билим олишлари учун машғулотлар малакали ва кўп йиллик тажрибага эга офицер ва сержантлар томонидан олиб борилмоқда.

– Мен, – дейди йиғин иштирокчиси **Фахриддин Азимов.** – Бахмал туманидан чақирилганман. Йиғинга келгунимга қадар хизмат ҳақида бошқача фикрда эдим. Лекин бу ердаги шарт-шароитлар, бизга қаратилаётган эътибордан ҳарбийликка ҳавасим ортди. Келажакда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кириб, офицер бўлиб, юртимга хизмат қилишни кўнглимга тугдим.

Жасур Ҳамроқулов, йиғин иштирокчиси, Жиззах техника институти бакалаври:

– Жанговар қурол-яроғлар, ҳарбий техника ҳақида етарли билимларга эга бўляпмиз. Ўзим Жиззах шаҳар электр тармоқларида электр-чилангар вазифасида ишлайман. Ҳарбий либосни кийиб, шундай шарафли касбга меҳрим тушди, ҳавасим ошди. Шу туфайли ҳарбий ўқув юртига ўқишга кириб, офицер бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Кўриниб турибдики, бу ерда СЧР хизматини ўтаётган ўғлонлар ўз хизматларидан мамнун. Бугун ҳукуматимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз, албатта. Ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда ҳар томонлама чиниқиб, тобланаётган йигитларимиз мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Саҳифа материалларини майор Алижон САФАРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири Гулсумхон ШОДИЕВА тайёрлади

● Талаба талқини

ҚУЛАЙЛИКДАН ХУРСАНДМИЗ, АММО...

Одамзот доимо қайгадир шошади. Тўғри-да, вақт тиғиз, унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш керак. Ана шундай пайтда манзилимизни яқин қилувчи транспортнинг ўрни муҳимлигини ҳис қиласан киши.

Аҳолининг кўпчилиги шаҳар йўловчи транспортидан фойдаланади. Жумладан, биз, талабалар ҳам. Шуниси ачинарлики, талабалар автобусга чиққанида «кондуктор»лар ўқрайиб қарашлари етмагандек, нақ «чақиб» олади. Айбимиз шуки, биз талабалар ойлик йўл чиптаси билан юрамиз ва бу «кондуктор»ларга ёқмайди.

Яқинда улардан бири шундай заҳрини сочдики, қани энди бунга чидаб бўлса!

Биз уч киши эдик. Чиптачи: «Чиқар проезднойингни», деб сўради. Биз кўрсатдик.

У яна заҳрини сочди.

— Шунақаларни кўргани кўзим йўқ...

Ёнимизда турган одамлар, табиийки, бу гапдан ҳайрон бўлишди.

Шунда мен автобусда текинга қатнамаётганимизни айтдим. Ахир, ойлик йўл чиптаси аҳолига қулайлик яратиш учун жорий этилган ҳужжат. Бу имкониятдан биз, талабалар ва мактаб ўқувчилари ҳам фойдаланишга ҳақлимиз ва уни белгиланган нархда сотиб оламиз.

Автобусдан тушгач, анчагача ўзимга келолмадим.

Нега чиптачилар бизни ёмон кўради? Ахир, бу хусусий автобус бўлмаса. Мамлакатимиздаги тартиб-қоида барчага баробар эмасми?!

Албатта, бундай чиптачилар давлат фойдасини «кўзлаб» фикр юритмайди, буни ёш бола ҳам билади. Мақсад...

Бу гапдан барча йўловчи ташиш транспортларида аҳвол шундай, деган хулоса чиқарманг. Яхши муомаласи, ширин сўзи билан баҳри-дилимизни очадиган чиптачилар қанча! Ҳатто айримлари йўл давомида бекатлар, шаҳримиз ҳақида қизиқ маълумотлар бериб боради. Ёки бўлмаса, ёқимли қўшиқни қўйиб, кўнглингизни очади. Шунда сиз одамнинг жони бўлган мана шундай кишиларга эҳтиёж кучли эканини сезасиз...

Дилфуза ИРГАШЕВА

Қиш зийнати

ЭЪЛОН!

Фарғона вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 27 декабрдаги қарорига асосан Фарғона шаҳар «ИСО» адвокатлик бюроси раҳбари Тошматов Ҳакимжонга 2003 йил 24 июнда берилган FE 000291 рақамли лицензиянинг амал қилиши 1 (бир) ой муддатга ва Фарғона шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Мелибоев Шарифжонга 1997 йил 7 июлда берилган FE 000016 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ой муддатга тўхтатилди.

Шунингдек, вилоят адвокатлар ҳайъати Олтиариқ туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокатлари Матмусаева Замирага 2000 йил 21 июнда берилган FE 000211 рақамли ҳамда Мирзаҳакимов Ўлмаскамолга 1997 йил 7 июлда берилган FE 000049 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 6 (олти) ой муддатга тўхтатилди.

● Илоҳий ишқ

АЁЛ МУҲАББАТИ

Подшонинг гўзал бир ўғли бор эди. Шаҳзода ҳақиқатан ҳам келишган, чиройли йигит бўлиб вояга етган, одамлар унинг ой юзига қарашдан истиҳола қиларди. Гўё уни дунёнинг бир мўъжизаси дейсиз: икки қоши камондай, кўзи, киприклари минг қалбни вайрон қилар, одамни оҳанрабодай ўзига сеҳрлаб қўярди. Табассум қилса, дурдай терилган тишлари кўринар, лаъл лабларининг хушоби неча мубталоларни масту беҳуш айлаганди. Шаҳзода гўзал андомли бўлиш билан бирга мард, жасур, ориятли ва мағрур ҳам эди. Бир хотин шу гўзал йигитга ошиқ бўлиб қоладди. Кўнгли эзилиб, кўзларидан қонли ёшлар оқизди. Йигит фироқида барча нарсани, қариндош-уруғ, балки дунёни ҳам унутиб, дарвеш-қаландар бўлди.

Одамлар бу ҳолни кўриб ҳайрон қолардилар, гап-сўз тарқалиб, бора-бора бутун шаҳарга овоза бўлди. Иш шу даражага етдики, охири шаҳзода номус қилди, аёлдан қандай қутулишнинг иложини тополмай, отасига шикоят қилди. Подшо хотинни тутиб келтиришни буюрди. Уни ушлаб келтирдилар. Подшо уни кўриб баттар ғазабланди ва сочларини отнинг оёқларига боғлаб, эзғилаб ўлдиришга ҳукм этди. Бу воқеани кўргани одамлар тўда-тўда бўлишиб, далага чиқдилар. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Хотинни олиб келдилар. Шоҳ тахтда ўтирарди. Шунда хотин ўлими олдидан подшога мурожаат қилиб, агар шоҳим изн берсалар, бир илтимосим бор, деб таъзим ила сўз қотди. Шоҳ деди:

— Агар истагинг жонингни сақлаш бўлса, рози бўлмасман, чунки қасдим сенинг жонингни олишдир, агар сочимдан тортиб сазойи қилма, деб илтимос қилмоқчи бўлсанг, бу ҳам ўтмайди. Чунки шу узун сочларингга ўралиб жон беришингни кўрмоқчиман, магар отга боғламасдан ўлдиришни хоҳларсан, бу ҳам рад этилажак, чунки отнинг туёғини хуш кўрганингни мукофоти бу. Бундан бошқа қандай илтимосинг бор? Ёки бир мухлат омонлик тиларсан? Бир соония ҳам омонлик бермагайман. Ёки шаҳзодани кўрмоқ тиларсан, лекин унинг юзини энди ҳеч ҳам кўра олмайсан.

Хотин айтди:

— Жонимни сақлашни истамасман, жоним энди менга керак эмас. Бир лаҳза омонлик ҳам тиламайман, ундан айрилиб омонликда яшаш ўлимдан оғир. Сочимдан судратиб, отнинг оёқлари остида эзғилаб ўлдирмоқчи экансан, ихтиёринг, буни қилма деб илтимос қилмайман. Аммо, эй, саховатли шоҳ, сен айтган ушбу талаблардан бошқа бир талабим бор.

Шоҳ айтди:

— Сўзла, бундан бошқа яна не илтимосинг бор? Агар мен айтган талаблардан бошқа талабинг бўлса, муқаррар буни бажарурман.

Хотин айтди:

— Эй, саховатли ва шарофатли шоҳ, бу кун мени отга боғлаб судратишга ҳукм қилган экансан, сендан илтимосим шуки, сочимни шаҳзоданинг отига боғлаб қўй. Токи бу ишни у қилсин, унинг оти оёқлари остида эзилай, танимни судраб роҳатлансин. Мен унинг қурбони бўлай. Ҳа, агар маъшуқ томонидан ўлдирилсам, ишқ нуридан руҳим арши аълода бўлади. Бир ожиз хотинман, хушим ўзимда эмас, бағримда лахта-лахта қон, тирикманми, ўликманми — билмайман.

Парвардигор подшонинг кўнглига раҳм солди, кўнгли эзилиб кетди. Хотинни авф этди, унинг астойдил ёнишлари, покиза муҳаббати, илоҳий ишқи шоҳнинг қалбини юмшатган эди. Подшо хотинни ўз саройига олиб бориб, ўғлига никоҳлаб берди.

Пок муҳаббат одамни мард ва жасур этади, қўрқоқни эса қаҳрамон жангчига айлантиради.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

Жиззах вилояти адлия бошқармаси Мирзачўл ва Пахтакор туман давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёрлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8372) 226-35-81, 226-39-22

Чақмоқтош

ПИРРОН
(Милоддан аввалги 365 (тахминан) — 275 йиллар)



Қадимги юнон файласуфи Пиррон Элида шаҳрида туғилиб ўсган. У дастлаб мусаввирлик билан шуғулланган. Кейинчалик абдералик файласуф Анаксархнинг мулоҳазаларини тинглаган Пирронда фалсафага қизиқиш уйғонади.

***

Пиррон Элиданинг олий коҳини эди. Файласуфнинг хулқ-атвори, табиати сирли ва ўзига хос бўлиб, у ҳеч нарсани севмас, ҳеч нарсадан таъсирланмасди. Шунингдек, ҳеч ким у каби тингламасликлари билан қизиқмасди. Бордию, тингловчилар тарқаб кетишса ҳам у нутқини давом эттираверарди.

***

Бир куни Пиррон очиқ денгизда кетаётганда бўрон туради. Файласуфнинг кемадаги ҳамроҳлари ваҳимага тушадилар. Фақат Пирронгина мутлақо хотиржамликни сақлаган ҳолда, ўзини йўқотмай, ниманидир кавшаётган чўчқага ишора қилади-да: «Донишманд ҳар қандай шароитда ана шундай бефарқликни сақлаб қолмоғи лозим», — дейди.

***

Қадимий юнон файласуфлари Суқрот ва Пифагор каби Пиррон ҳам фақат оғзаки тарзда таълим берган. Унинг дунёқараши ҳақида шогирди флиунтлик Тимон (милоддан аввалги 320-230 йиллар) ёзиб қолдирган манбалар орқали тасаввурга эга бўлиш мумкин.

***

Тимон ўз устозини Қуёшга нисбат этган. Ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи Секст Эмпирик ўз дунёқарашларига содиқ қолган ҳолда шундай деганди: «Қуёш кўздан ғойиб нарсаларни ёритиб, равшан қилади. Пиррон эса аксинча, ҳар қандай кимса учун аниқравшан бўлган нарсаларни мавҳумлаштиради».

Саида ЖЎРАЕВА тайёрлади

● Афсус

ЕР ҚОЛАВЕРАДИ...

Одатда талашилган нарса ҳеч кимга насиб қилмайди. Кишининг юзи шувут бўлгани қолади, холос. Бунгача эса бир-биридан нарса қизғонишиб, ўртада андишани унутишади. Бир-бирига тош отишади.

Хидиршада ҳам шундай бўлди. Қўй боқиш учун талашилган ўтлоқ қолаверди. Бироқ... бир йигитнинг умри завол топди. Ачинарлиси, бировнинг умрига зомин бўлган йигит ҳам жуда ёш, 21 ёшли бўлиб, ҳали уйланиб ҳам улгурмаганди.



Акмалбек Худойбердиев ёш бўла туриб жиноятга қўл урди ва ўз шаънига доғ туширди. Ўшанда у Хидирша маҳалла фуқаролар йиғини ўрамидаги адирликларда қўйларини боқиб юрганди. Ундан аввал қўйларни укаси Ҳ.Худойбердиев боқаётганди. Уни шу ерда у каби ўз чорвасини боқмоқчи бўлган тоғаси А. Қўчқоров «бу ерда қўй боқма» деб бир-икки марта уриб-турткилаган. Ҳ.Худойбердиев бу ҳақда акаси Акмалбекка арз қилади. Ҳатто у тоғаси А.Қўчқоров унинг устидан кулганини айтиб, оғринади. Албатта, укасининг камситилиши Акмалбекка оғир ботади.

Кеч соат 17:00ларда Акмалнинг ёнига «Тико» русумли машинада А.Қўчқоров, Ҳ.Абдурахмонов ва вояга етмаган И.Қосимовлар келишади. Шу келишда А.Қўчқоров ўз чорваси учун қўра қилмоқчи бўлган. Лекин иш бошланмасидан Акмалбекни кўриб жанжаллашиб кетишади. Акмалбек тоғасидан нима сабабдан укасини ҳайдаб солганини сўрайди. Лекин А.Қўчқоров уни гапиришга қўймай бир-икки мушт туширади-да, ёқасига ёпишади. Бу ҳолатдан азбаройи ачиқланган Акмалбек аввалига ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлади. Қараса, А.Қўчқоровга кучи етмайди. Шу пайт ёнидаги пичоқ ёдига тушиб, хаёлига ғараз ният келади: «шуни тиқиб олсам-чи...» Боз устига, А.Қўчқоров ҳам катталигига бориб, «битта гапдан қолай, сал ўзимни босиб олай, шу ёш жиянларим билан ади-бади айтишаманми?..» демайди. Кучига зўр беради, ҳатто ёшлар устидан кулишлиш, камситиш даражасига бориб етади. Оқибатда ўз жонига жабр қилади. Кўзи қонга тўлган Акмалбек ортиқча пачакилашиб ўтирмайди-да, ёмон ниятини шартта амалга оширади. Тоғасининг биқинига пичоқ тиқиб, оғир тан жароҳати етказади. А.Қўчқоровнинг ҳаёти хавф остида қолади. Шифохонада кўрилган шошилинч тиббий ёрдамлар зое кетади. У ўша ерда вафот этади.

Жанжал келиб чиқишига сабаб бўлган ўтлоқ аслида «Пахтаобод фахри файз» боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Ҳ.Абдурахмоновга тегишли бўлиб, ўтлоқ талашганлар эса ундан рухсат сўрашиб, чорвасини олиб чиқишган эди. Бировнинг ерида шунчалик жанжал. Умуман, ўртада арзимаган воқеа сабаб одам ўлдирилгани қанчалар хунук манзара! Агар Акмал оғир-босиқ, иродали йигит бўлганда, ўзини тўхтатган, дарҳол қўлига пичоқ олишга шошилмаган бўларди.

Нуриддин ТОЖИБОЕВ, Хонобод шаҳар прокуратурасининг терговчиси

ЭЪЛОН!

Бухоро вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 27 декабрдаги 23-сон қарорига асосан Жабборов Сиддиқ Нарзуллаевичга тегишли бўлган Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан 2002 йил 10 октябрда берилган ВН 000067-сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

● Сўнгги пушаймон

ОТ ЎҒРИСИ

Фарзандингиз эсли-ҳушли бўлса қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй ўртасида ҳурмат қозонасиз. Аксинча бўлса-чи?! Унда айбни оиладаги тарбиядан, маҳалла фаолларининг шу хонадонга бўлган бепарвороқ муносабатидан ахтаришади. Аслида ҳам шундай. Халқимиз бекорга бир болага етти маҳалла ота-она, демаган.

Саидисломбек Очилов эндигина 17 ёшга тўлди. У Пастдарғом туманидаги «Хончорбоғ» маҳалласида истиқомат қилади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, у иккинчи марта қора курсига ўтирди. Дастлаб 2007 йил 16 март куни жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани суди томонидан Жиноят кодексининг 83-моддаси қўлланилган ҳолда унга бир йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Сўнгра жазо Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукмга айлантирилиб, бир йил синов муддати белгиланган эди. Афсуски, Саидисломбек ушбу имкониятдан хулоса чиқармади.

— 2007 йил 27 июль куни кечаси тахминан соат 22.00 ларда ўртоғимникидан қайтиб келаётганимда пулим тугаб қолди. — Қизил карвон қишлоғидан тушиб, пиёда «Сайрам» қишлоғи орқали ўтиб кетаётганимда, бир тойни кўриб қолдим. Кейин тонг отишини кутиб пахтазор ичида тонггача ётдим. Тонг ёриша бошлагач, отни миниб, Нуробод туманига йўл олдим. Ва ўша ерлик Элмирза Жуматовга отни 450 минг сўмга сотдим. Пулни чўнтакка жойлаб, Ургут туманига ўртоғимникига йўл олдим. Уни тополмагач, Тошкент шаҳрига жўнадим. Тошкентдан қайтиб, Навоий вилоятига холамникига йўл олдим. Аксига олиб, холамни ҳам уйидан тополмадим. Яна Тошкент шаҳрига жўнадим. 2007 йил 1 август куни кечқурун уйга қайтиб келдим. Қўрққанимдан уйга кира олмай, Сулаймонов Чориёр аканикига йўл олдим. У кишининг фермер хўжалигида боғловли турган отни кўриб қолдим. Ўша отни миниб, яна Қашқадарё вилоятига қараб йўл олдим. «Тинчлик» қишлоғига борганимда Ғулом деган киши мени ушлаб олиб, уйига олиб борди. Менинг ўғрилик қилганимни сезгач, акам Очилов Хондали қўл телефонига қўнғироқ қилиб, акамни чақиртирди.

Айбимга тўлиқ иқрорман. Қилмишимдан чин кўнгилдан пушаймонман. Энди ҳеч қачон бировларнинг мол-мулкига кўз олайтирмайман, — дейди судда Саидисломбек Очилов ерга қараб.

Афсус ва надоматлар энди фойда бермайди. Чунки вояга етмаган Саидисломбек Очилов иккинчи марта ана шундай жиноятга қўл урган эди. Жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани суди Очилов Саидисломбекка нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисми, «а», «в» бандлари билан жами 3 йилу 4 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ, журналист

● Нафс

ҚОҒОЗДАГИ БОҒ

ёхуд 18 йиллик раиснинг жиноий тўдага бошчилик қилгани

Академик Саримсоқов номли ширкат хўжалигини 18 йил бошқарган раис нафс қўйида йўлдан адашди. Бу кимса олтмиш ёшдан ўтиб етмишга қараб кетаётган ширкат раиси Ўрмон Бозорбоевдир. Ширкат хўжалигини тугатиш ҳақида гап чиққандан бошлаб Ўрмон аканинг тинчи бузилди, ўзича режалар тузди. Нима қилиб бўлса ҳам бойлик тўплаб олишни ўйлай бошлади.

У «имкон борида ҳаракатингни қил» қабилида иш тутди. Ў.Бозорбоев мансаб ваколатини қасддан суиистеъмол қилиб, бош ҳисобчи Мирзараҳмон Мамажонов, ўринбосар Акрам Исақов, ер тузувчи Тожиевой Асронқулов, бош ҳисобчининг ёрдамчиси Марайимжон Жўраев, омбор мудири Миродил Йўлдошев, тафтиш комиссияси раиси Аҳматжон Эрматовлар билан жиноят сари одимлайди. Ширкат хўжалигининг балансида бўлган 302- контурдаги 11.9 гектар боғни арзон баҳода пуллаш, 101 ва 243-контурдаги 15.55 гектар очиқ майдонларни «боғ» дея сотиш учун туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи Билолдин Турғунов, бўлим мутахассислари Муроджон Усмоновлар билан жиноий тил бириктиради.

Мазкур «боғ»ларни гўёки сотилиб кетган дея сохта ҳужжат тайёрлашади. Ўтказилмаган ширкат хўжалиги вакилларининг йиғилишини «қоғозда» ўтказишиб, боғ ташкил этиш ва уни биржа орқали сотиш ҳақида баённомалар ёзилади. Қонунга зид бу ишларни амалга оширишда уларга «Andijonkonsauditinpohm» вилоят маркази ёпиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Mark Price» баҳоловчи хусусий фирмаси бошлиғи Рустам Пармонов ёрдам беради. У 9804699 сўмлик қийматга қалбаки баҳолаш ҳисоботини тайёрлайди.

Ширкат хўжалиги тугатилган бўлса-да, «Sayar invest» брокерлик хусусий корхонаси брокери Хуршид Алимов билан «Ўзбекистон банклар ассоциациясининг универсал биржа маркази» Андижон филиали бўлим бошлиғи Назимжон Эгамназаровлар ёрдамида биржа савдосига қўяди. Гуруҳ қалбаки ҳужжатлар асосида «боғ»ларни 5492000 сўмга сотади. Баҳоси 13900420 бўлган 302-контурдаги боғни эса 4321000 сўмга пуллайди. Жиноятларини яшириш мақсадида олма дарахти кўчатларини экишади. Ўзлари сотган бу «боғ»ларни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида 14 нафар шахсдан йиғиб олинган 2700000 сўмдан 2242300 сўмини туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ҳисоб рақамига тўлов квитанциялари орқали ўтказишади. Жиноий гуруҳ К.Эргашев, К.Турғунов, А.Қурбонов, М.Раҳимов, А.Абдужалилов, С.Нишонов ва Ю.Мамажоновларга жуда кўп миқдорда, жами 5977000 сўмлик моддий зарар ҳамда давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда 9579420 сўмлик зарар ва жиддий зиён етказади. Ў.Бозорбоев, М.Мамажонов, А.Исақов, М.Жўраев, А.Эрматов, Т.Асронқулов, М.Юлдашев, Р.Пармонов, Б.Турғунов, М.Усмонов, Х.Алимов, Н.Эгамназаровлардан иборат жиноий гуруҳнинг юқоридаги қилмишлари Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра малакаланди ва улар айбли деб топилди.

Муҳиддин ИМИНОВ, Шаҳрихон тумани прокурори, Шуҳратбек МУСАЕВ журналист

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан чиқа бошлади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Маматов Шоди Суюнович, Матрасулов Давлатназар, Раҳимберганович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-16. Тиражи — 12988. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31.
1 2 3 4 6 7 8